

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сон қарорига  
1-илова

## **Экологик хавфсизлик тўғрисидаги техник регламент**

1. Мазкур Техник регламент маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларига қўйиладиган мажбурий экологик хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Хўжалик ва бошқа фаолият юритувчи объектларда маҳсулотларни (чиқиндиларни) ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ҳамда утилизация қилишда қўлланилаётган ёки қўлланиладиган жараёнлар ушбу Техник регламентнинг тартибга солиш объектлари ҳисобланади.

3. Хўжалик ва бошқа фаолият юритувчи объектларнинг экологик хавфсизлиги:

мазкур Техник регламент, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолаш;

атроф табиий муҳитга салбий таъсирининг камайишини, ходимлар хавфсизлигини ва авария ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олишни таъминлайдиган конструктив тавсифларга эга бўлган машина ва ускуналардан фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни қўллаш;

атроф табиий муҳитга салбий таъсирини камайтириш имконини берувчи ажраб чиқаётган газларни ва ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалашнинг самарали усул ва технологияларини, ҳосил бўладиган чиқиндиларни утилизация қилиш технологияларини қўллаш;

хўжалик юритувчи объектлардаги ишлаб чиқариш жараёнида қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларга риоя этилишини экологик аудитни ўтказиш;

ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган технологик жараёнларни экологик сертификатлаштириш орқали амалга оширилади;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти давлат экологик экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади.

4. Ушбу Техник регламентда қуидаги атама ва түшүнчалардан фойдаланилади:

**атроф-мухит компонентлари** — табиий муҳитда яшаш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда атмосфера ҳавоси;

**атроф-мухитга таъсир** — мүлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-мухит ва экологик ҳавфсизлик учун, шу жумладан инсон соғлиғи, атроф-мухит компонентлари учун ҳар қандай оқибатлари ҳамда ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек ушбу омиллардаги ўзгаришларнинг ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларга ва маданий мерос объектларига таъсири;

**атроф-мухитга таъсирни баҳолаш** — мүлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-мухитга таъсири хусусиятларини ва даражасини, унинг эҳтимолий экологик оқибатларини аниқлашга ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тартиб-таомил;

**атроф-мухитга таъсирни баҳолаш материаллари** — мүлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича тайёрланадиган ва экологик экспертиза ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами;

**экологик сертификатлаштириш** – сертификатланаётган объектнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларда ва (ёки) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган мезонларига мувофиқлигини тасдиқлаш борасида учинчи томоннинг ҳаракати;

**энг яхши мавжуд технология** – илм-фан ва техниканинг замонавий ютуқлари ҳамда қўллашнинг техник имкониятлари мавжудлиги шарти билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш мезонларининг энг мақбул уйғунлашуви асосида белгиланадиган маҳсулот (товарлар) ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш технологияси;

**экологик нормативлар** – атроф-мухитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳамда ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш

ва чиқиндиларни жойлаштириш нормативларини белгилаш учун экологик экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатлар;

**концентрациянинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (КЧМ)** — одам организмидаги рефлектор реакцияларини пайдо қиласлиги керак бўлган ҳаво, сув ва тупроқнинг концентрацияси;

**ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (ТЧМ)** — атмосфера ҳавоси учун белгиланган, йўл қўйиладиган чекланган квотадан ошмайдиган ер устидаги концентрацияларни шакллантирувчи, вақт бирлиги ҳисобига тўғри келадиган ташламалардаги ифлослантирувчи моддалар миқдори;

**оқованинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори (ОЧМ)** — назорат пунктида сув сифати нормаларини таъминлаш мақсадида вақт бирлиги ҳисобига ушбу пунктда белгиланган режимда ажралишига максимал йўл қўйиладиган оқова сувлардаги моддалар миқдори;

**хўжалик ва бошқа фаолият обьекти** — маҳсулот ишлаб чиқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, маҳсулотни сақлаш, ташиш, утилизация қилиш бўйича бир ёки ундан ортиқ фаолият амалга ошириладиган стационар ёки кўчма обьект;

**экологик хавфсизлик талаблари** — табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, атроф муҳитга ва фуқаролар соғлигига салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар;

**экологик хавфсизлик** — табиий муҳит ва инсоннинг ҳаётий муҳим манфаатларининг хўжалик ва бошқа фаолият, табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибатларининг эҳтимолий салбий таъсиридан ҳимояланганлик ҳолати;

**экологик экспертиза** — мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилашга ҳамда экологик экспертиза обьектини рўёбга чиқариш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлашга қаратилган тартиб-таомил;

**экологик назорат** — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими;

**чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативи** – маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилаётганда ёки бошлангич хом ашё бирлигидан ҳосил бўладиган муайян турдаги чиқиндиларнинг белгиланган миқдори;

**хавфли чиқиндилар** – таркибида хавфли (захарлилик, юқумлилик, портловчанлик, тез алангаланиб ёнгин чиқарувчанлик, реакцияга тез киришувчанлик, радиоактивлик) хусусиятлардан лоакал биттасига эга моддалар мавжуд бўлган, бундай моддалар фуқаролар соғлиғи ва ҳётига, атроф-муҳитга ўзи мустақил тарзда ҳам, шунингдек бошқа моддаларга қўшилганда ҳам бевосита ёки потенциал хавф туғдирадиган миқдорда ва шаклда мавжуд бўлган чиқиндилар.

**ташламаларнинг автоматик мониторинг станцияси** – корхоналарнинг турғун (ташкиллаштирилган) ифлослантирувчи манбаларига ўрнатиладиган ҳамда ушбу манбалардан атмосфера ҳавосига чиқадиган ифлослантирувчи моддаларни узлуксиз таҳлил қилувчи ва улар тўғрисидаги ахборотни атроф-муҳит мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига автоматик равишда ва реал вақт режимида узатувчи техник ва дастурий воситалар комплекси;

**атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станцияси** – атмосфера ҳаво сифатини таҳлил қилувчи ва унинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборотни атроф-муҳит мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига автоматик равишда ва реал вақт режимида узатувчи техник ва дастурий воситалар комплекси;

**чанг-газ тозалаш ускунаси** – корхоналардаги атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан чиқадиган ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолиш учун мўлжалланган маҳсус ускуна ёки қурилма;

**локал сув тозалаш иншооти** – корхоналардаги оқова сувларини чиқариб юбориш тармоқларига оқизиб юборишдан олдин дастлабки зарарсизлантириш ва тозалаш учун мўлжалланган иншоот.

## 2-боб. Экологик хавфсизликни таъминлаш талаблари

5. Техник регламент маҳсулотларни (чиқиндиларни) ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун:

атмосфера ҳавоси муҳофазасини;

сув обьектлари муҳофазасини;

ҳайвонот ва ўсимлик дунёси обьектлари муҳофазасини;

ер ресурслари муҳофазасини;

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда чиқинди билан боғлиқ ишлар амалга оширилишини, шунингдек экологик назоратни таъминлайдиган мажбурий талабларни белгилайди.

### **3-боб. Махсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларида экологик хавфсизлик талаблари**

#### **1-§. Махсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларида экологик хавфсизликнинг умумий талаблари**

6. Атроф табиий муҳит ҳолатининг барқарорлиги ва яхшиланиши мавжуд хўжалик ва бошқа фаолият объектларининг атроф табиий муҳитга кўрсатаётган салбий таъсириининг рухсат этилган босқичма-босқич камайиб борадиган даражаларига эришиш энг яхши мавжуд технологияларни кўлланиши билан таъминланади.

7. Хўжалик ва бошқа фаолиятнинг мавжуд стационар объектлари учун ташламаларнинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори, оқованинг йўл қўйиладиган чекланган миқдори, чиқиндилар ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг экологик нормативлари белгиланади.

ташланмаларнинг атмосфера ҳавоси учун белгиланган рухсат этилган чекланган квоталардан ошмайдиган (рухсат этилган чекланган концентрациялар улушларида) ер усти концентрацияларини шакллантирувчи вақт бирлигидаги (секундига грамм) ифлослантирувчи моддалар массаси;

оқова сувларда назорат пунктидаги сув сифати нормаларини таъминлаш мақсадида ушбу пунктда белгиланган режимда ташлашга максимал рухсат этилган вақт бирлигидаги моддалар массаси;

сақлашнинг муайян муддати кўрсатилган ҳолда, жиҳозланган ўз ишлаб чиқариш майдонларида ва/ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини жойлаштириш объектларида ҳосил бўлган ҳамда жойлаштирилган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳар бир хавфлилик тоифаси бўйича миқдори.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича нормативлар муайян хужалик ва бошқа фаолият объектининг экологик нормативларида белгиланади.

9. Хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар белгиланган нормативларни камайтиришнинг ҳар йили эришиладиган кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда, мазкур Техник регламентнинг 8-бандида белгиланган битта ёки бир қанча кўрсаткичлар бўйича табиатни муҳофаза қилиш бўйича режали тадбирлар ва ифлослантирувчи моддалар ташланмалари

ва оқоваларининг, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларининг ҳосил бўлиши ва камайиши бўйича белгиланган нормативларни камайтириш режасини ишлаб чикади ва экология органлари билан келишилади.

Атроф табиий муҳитга салбий таъсир қўрсатишнинг белгиланган даражаларини назорат қилиш ҳамда пасайтиришда қўлланиладиган услуб ва воситалар хўжалик ёки бошқа фаолият субъекти томонидан ушбу Техник регламентда ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган талаблари ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ташламалар, оқовалар, чиқиндилар ҳосил бўлишининг солиштирма қўрсаткичларининг ҳисоб-китобини ҳар иили амалга оширади ва бу ҳакда экология органларига маълумот киритади.

10. Ифлослантирувчи моддаларнинг ташламалари, оқовалари, чиқиндиларни ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг белгиланган нормаларини пасайтириш борасида қайд этилган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари ошган ҳолларда, экологик нормативлар қайта кўриб чиқилади ва рухсат этилган нормаларга мувофиқлаштирилади.

11. Ифлослантирувчи моддаларнинг ташламалари, оқовалари, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг белгиланган нормативлари ҳамда салбий таъсирни пасайтириш бўйича қайд этилган қўрсаткичлар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

12. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадларида рухсат берувчи хужжатларда (лицензиялар, рухсатномалар ва/ёки бошқа шакллар) кўзда тутилган муддатларда ушбу хужжатларга мувофиқ табиий (сув, ер, ўрмон, минерал-хомашё, биологик) ресурсларини олиш ҳажмлари ва шартлари белгиланади.

13. Хўжалик юритувчи субъектлар обьект раҳбарияти томонидан, экология органлари билан келишилган ҳолда тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ ишлаб чиқариш экологик назоратни амалга оширади.

14. Хўжалик юритувчи субъектлар атроф-муҳитга тушадиган юкламаларни норматив даражагача пасайтиришни таъминлайдиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларида хавфли моддалар ишлатилса, хўжалик юритувчи ва бошқа

фаолият объекти учун фавқулодда вазиятларни бартараф этиш режаси экология органлари билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ушбу режада нокулай об-ҳаво шароити ёки бошқа табиий ҳамда техноген фавқулодда ҳолатлар сабабли юзага келиши мумкин бўлган салбий экологик оқибатлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан маълумотларни хўжалик юритувчи субъектлар ёки тегишли давлат органлари томонидан ахолига етказилиши кўзда тутилади.

15. Нефть, кимё ва бошқа хавфли моддалар ҳамда маҳсулотларни атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш воситалари ва маҳсулотлар сирқиб оқиб кетишини аниқлайдиган назорат-ўлчов ускуналари билан жиҳозланмасдан ташиш ва сақлаш иншоотлари ҳамда қурилмаларини ишга тушириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади. Хавфли маҳсулот ва чиқиндиларни сақлаш, ташиш иншоотлари ва қурилмалари фавқулодда вазиятларда юзага келиши мумкин бўлган салбий экологик оқибатларни бартараф этиш воситалари тўплами (кимёвий реагентлар, ўт ўчириш воситалари ва бошқалар) билан таъминланиши лозим.

Барча турдаги маҳсулот (чиқинди)ни ташиш жараёнлари тегишли норматив-хуқукий ҳужжатлар, шунингдек уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларида белгиланган талаблар бўйича амалга оширилади.

Барча турдаги маҳсулот (чиқинди)ни ташиш жараёнлари уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблар бўйича амалга оширилади.

16. Атроф табиий муҳитга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган режалаштирилган хўжалик ёки бошқа фаолият объектларини лойиҳалаштириш босқичида экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олиш учун объект жойлашган жойга нисбатан атроф-муҳитга таъсир баҳоланади ва давлат экологик экспертизаси ўтказилади.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ҳамда давлат экологик экспертизаси хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият йўналиши ўзгартирилганда ёки фаолиятнинг янги турлари жорий қилинганда, шунингдек, унинг жойлашган жойи ўзгарганда амалга оширилади.

Табиатни шовқин, тебраниш, электрмагнит майдонлари ва бошқа заарли физик таъсирлардан муҳофаза қилиш, табиатни назорат этилмайдиган ва заарли биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларга риоя этилиши қабул қилинган санитар қоидалар ва нормаларга мувофиқ амалга оширилади.

## **2-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминловчи экологик ҳавфсизлик талаблари**

**17. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида:**

атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни тозалаш қурилмалари ҳамда уларни назорат қилиш воситалари (шу жумладан таҳлилий) билан жиҳозламасдан хўжалик ва бошқа фаолиятнинг стационар объектларини лойиҳалаштириш;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг таркиби ва ҳажми ҳамда шовқин даражаси бўйича техник регламент, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш;

хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар, аҳоли пунктлари ҳудудларида ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини кўмиш, зарарсизлантириш ва ёкиш;

таркибida озонни емирувчи моддалар бўлган ускуналарнинг атмосфера озон қатламига салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўрмасдан, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш тақиқланади.

**18. Атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча равишда қуйидаги мажбуриятлар юклатилилади:**

атмосфера ҳавосини турғун (ташкиллаштирилган) ифлослантирувчи манбаларига ўрнатиладиган чанг-газ тозалаш ускуналари билан ҳамда ушбу ташламалар миқдорларини назорат қилиш мақсадида ташламаларнинг автоматик мониторинг станциялари билан лойиҳалаштириш, ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини эса жиҳозлаш;

Атроф-муҳитга таъсири бўйича I ва II тоифага кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўрнатилган ташламаларнинг автоматик мониторинг станциялари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ягона геоахборот маълумотлар баъзаси “Ситуатцион маркази” га интеграция қилиш ва даоимий равишда маълумотлар узатилишини таъминлаш (фавқулотда вазиятлар юз берганда мажбурий узилиш ҳолатлари бундан мустасно);

корхонанинг санитар ҳудудида камида бир дона атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станциясини ўрнатиш;

саноат корхоналарининг ташкиллаштирилган манбаларидан самарадолрлик даражаси юқори бўлган чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш. Бунда:

янги ишлаб чиқариш қувватлардаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг самарадорлиги 99,5 фоиздан, модернизация қилинадиган мавжуд ускуналарнинг самарадорлиги эса 95 фоиздан кам бўлишга йўл қўйилмайди;

корхоналар мустақил равишда чанг-газ тозалаш ускуналарининг паспортларини белгиланган тартибда юритишидади;

ташламаларнинг автоматик мониторинг станциялар О‘zMSt 195:2024 “Ташламаларнинг автоматик мониторинг станциялари. Умумий техник шартлар” миллий стандартига мос бўлиши ва уни ўрнатилиши лозим бўлган аниқ турғун (ташкиллаштирилган) манба экспертиза ҳужжатларида мажбурий тартибда белгиланади;

атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станциялар Ўзбекистон Республикасининг О‘zMSt 194:2024 “Атмосфера ҳавоси сифатини автоматик мониторинг станциялари. Умумий техник шартлар” миллий стандартига мос бўлиги ва уни ўрнатиладиган аниқ нуқта экспертиза ҳужжатларида мажбурий тартибда белгиланади;

ўзи ва ўзига туташ ҳудудларида “яшил белбоғ”лар барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш.

19. Стационар ва қўчма манбалар ташламаларидаги ифлослантирувчи моддалар миқдори техник регламентларда белгиланган талаблар ҳамда экологик нормативларга мувофиқ нормалаштирилади.

20. Фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва озонни емирувчи моддалар ташламалари чиқариш билан боғлиқ бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар:

чанг-газ тозалаш ускуналаридан, шунингдек, ташламаларнинг автоматик мониторинг станцияларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш;

хўжалик ва бошқа объектлар атрофида санитария-химоя зоналарини ташкил қилиш;

ифлослантирувчи моддалар ташламаларини камайтириш чораларини кўриши;

ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган чекланган ташламалари нормативларига риоя этилишини назорат қилиш, уларнинг хисобини юритиши, атроф-мухитни ифлослантирганлик учун компенсация

тўловларини тўлаш ҳамда давлат статистика ҳисоботини белгиланган тартибда тақдим этиш;

норматив-хуқукий ҳужжатлар ҳамда экологик экспертиза ҳужжатларда келтирилган энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, энергиянинг экологик тоза манбаларидан фойдаланиш;

кутилаётган ноқулай об-ҳаво шароитлари муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар ташламаларини камайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли моддалар ва учувчан бирикмаларни сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларнинг қадоқлаш идишларини зарарсизлантириш шартларига риоя қилиш;

атмосферага кўплаб ва авариявий ташламалар чиқарилишининг, юзага келиши мумкин бўлган хавфли вазиятларнинг олдини олиш, шунингдек, атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланишини камайтириш чораларини кўриш;

ўзи ва ўзига туташ ҳудудларида “яшил белбоғ”лар барпо этиш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

чиқиндилар утилизация қилинишини таъминлаш ҳамда уларни тўплаш ва қайта ишлашда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш чораларини кўриш;

таркибида озонни емирувчи моддалар бўлган бюмлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштиришини таъминлашга мажбурдир.

### **3-§. Сув объектлари муҳофазасини таъминловчи экологик хавфсизлик талаблари**

21. Сув объектларини муҳофаза қилиш мақсадида:

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳамда санитария-муҳофаза зоналари ҳудудларида хавфли объектларни жойлаштириш;

хўжалик-ичимлик, коммунал-маиший ва балиқчилик хўжалигига мўлжалланган мақсадларда фойдаланиладиган сув объектларига, жой рельефига, шунингдек, ер ости сувли горизонтларига ҳамда суфориш

майдонларига тозаланмаган ва заарсизлантирилмаган оқова сувларни ташлаш;

самарадорлиги 80 фоиздан кам бўлган локал сув тозалаш иншоотларини ишга тушириш;

шаҳар ва посёлка канализация тизимларига маҳаллий тозалаш иншоотларида олдиндан тозаламасдан канализация тизимиға қабул қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш оқова сувларини ташлаш;

канализация тизимларига таркибида ҳали аниқлаш усуслари белгиланмаган моддалар бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларини ташлаш;

оқова сув тозалашнинг талаб этиладиган ускуна ва иншоотлари ва уларни назорат қилиш воситалари билан жиҳозланмаган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг стационар объектларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш;

сув объектларининг юзасидаги ўзи юрар ва ўзи юрмайдиган кемалар, шунингдек, бошқа объектлардан уларда ҳосил бўладиган оқова сув ва чиқиндиларни тўплаш мосламаларисиз фойдаланиш;

сув объектларига ишлаб чиқариш, майший ва бошқа чиқиндиларни ташлаш, шу жумладан сув объектлари ва уларнинг соҳилларини чиқиндилар билан ифлослантириш;

рухсат этилмаган жойларда оқова сувларнинг чўқиндиларини сақлаш ёки жойлаштириш;

оқова сувларнинг сув объектларига ва жой рельефига қўплаб чиқарилиши;

ичимлик, хўжалик-майший ва даволаш мақсадларида фойдаланиладиган ёки фойдаланиш учун истиқболли бўлган ер ости сувларини тўйинтириш ва олиш соҳасида кимёвий, бактериологик ёки радиациявий ифлосланиш манбай бўлган чиқиндиларни кўмиш, ахлатхона, қабристон, чорва моллари қабристонлари ва бошқа объектларни жойлаштириш;

ичимлик суви сифатига эга бўлган ер ости сувларидан бошқа эҳтиёжлар учун асоссиз фойдаланиш;

бурғулаш жараёнида ҳосил бўладиган оқова сув ва шламларни ташлаш учун лойдан қурилган турли ҳимояланмаган омборлар, тўплагич ҳовузлар, шунингдек, карстли воронкалар ва бошқа чуқурликлардан фойдаланиш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш, сув сатхини пасайтириш ишлари, мелиоратив ерларда дренаж тизимларини қуриш ва улардан фойдаланиш пайтида ер ости сувларини ифлослантириш;

далаларнинг дренаж сувларини ва аҳоли пунктлари худудларида жала ёмғир оқова сувларини жарлик ва сойликларга чиқариб ташлаш;

марказлаштирилмаган сув таъминотида ишлатиладиган ер ости сувлари тўпланадиган жойларда заҳарли кимёвий восита ва ўғитларни қўллаш ва сақлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларини ушбу ерлар ва ер ости сувлари ҳолатига таъсир кўрсатадиган ёки салбий таъсир қўсатиши мумкин бўлган оқова сувлар билан суғориш тақиқланади.

22. Фаолияти натижасида оқова сувлар ҳосил бўладиган хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар:

ифлослантирувчи моддаларнинг сув объекtlари ва жой рельефига ташлаш нормативларига риоя этилишини, шунингдек, уларни камайтириш чора-тадбирларининг амалга оширилишини таъминлайди;

ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув микдори ҳамда сифати, шаҳар сув таъминоти тизими ёки бошқа корхонанинг сув таъминоти тизимидан олинадиган сув ҳажми ҳисобини, шунингдек, оқова сувлар ташламалари (ер усти сув объекти, жой рельефи, канализация тизими, алоҳида қазилган ўралар, парланиш майдонлари, фильтраш майдонлари, суғориладиган дехқончилик далаларига ва бошқаларга) ҳисобини юритади;

оқова сувларни тозалашга мўлжалланган ускуналар ва иншоотлардан фойдаланиш қоида ва режимларига риоя қиласди;

хом ашё, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш чиқиндилари, қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни сақлаш идишларининг сув ўтказмаслигини таъминлайди;

тупроқ юзасидаги ифлосланган сувларнинг ер ости сув горизонтларига сизиб ўтишининг олди олинишини таъминлайди;

нефть ва нефть маҳсулотларини тўплаш тизимларининг герметиклигини таъминлайди;

фойдаланиб бўлган карьеरларнинг рекультивация қилишни таъминлайди.

23. Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тизимларига абонентларнинг маҳаллий тозалаш иншоотларида дастлаб тозаламасдан:

абонентларнинг таркибида қувурлар, қудуқлар, панжаларга тиқилиб қоладиган ёки қувурлар, қудуқлар деворларида, панжараларда ўтириб қоладиган (металл заки, тўпон, оҳак, қум, гипс, металл кириндилари, ҳайвон қолдиқлари ҳамда келиб чиқиши органик бўлган чиқиндилар) моддалар, курилиш ва майший чиқиндилар, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик чиқиндилари бўлган ишлаб чиқариш оқоваларининг;

коммунал-экологик нормаларда белгиланмаган шартли тоза оқова сувларни, таркибида бўёқлар бўлган оқова сувларни, саноат корхоналар майдонларида (ёмғир, қор ва муз эриган, суғориш-ювиш сувлари) ҳосил бўладиган юза оқова сувларни, ишлаб чиқариш майдонлари ва худудларнинг (канализация тизимиға умумий ёки алоҳида ташланадиган) сизот сувлар сатҳи пасайтиши туфайли ҳосил бўладиган дренаж сувларнинг;

канализация-тозалаш иншоотларининг қувурлари ва технологик коммуникацияларига емирувчан таъсир кўрсатадиган моддалар, ишлаб чиқариш оқова сувларини биологик тозалашга тўсқинлик қилувчи концентрациядаги заарли моддала, хавфли бактериологик ифлослантирувчи моддалар, эримайдиган ишлаб чиқариш нефть маҳсулотлари, биологик жихатдан қийин оксидланадиган органик, юзага фаол таъсир кўрсатувчи моддалар, шунингдек, минерал моддаларнинг;

сув объектига келиб тушадиган, сарфи ва таркиби ифлослантирувчи моддалар ҳажми ва миқдорининг рухсат этилган белгиланган нормаларидан ошишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлари, ҳарорати  $40^{\circ}\text{C}$  дан юқори, сув муҳитининг кўрсаткичи pH 6,5 дан паст ёки 9 дан юқори бўлган, кислороддаги кимёвий эҳтиёж даражаси (ККЭ) кислороддаги биологик эҳтиёжга (КБЭ<sub>5</sub>) нисбатан 2,5 мартадан ортиқ бўлса ёки КБЭ<sub>тўлиқ</sub> 1,5 марта – 500 мг/л.дан ошмайдиган, муаллақ ва қалқиб чиқувчи моддалар 500 мг/л дан ортиқ концентрациялардан ошувчи, канализация тармоқларига ташламаларнинг рухсат этилган чекланган лимитлари белгиланмаган моддалари бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларининг;

канализация тармоқлари ва тозалаш иншоотларида заҳарли газлар (олтингугурт водороди, олтингугурт углероди, цианидвodorодли кислота, осон учувчан ароматик углеводородлар буғлари ва бошқалар) ҳамда бошқа портлаш ва ёнгин хавфи бўлган, заҳарли аралашмалар, концентрацияланган қўр ва куб эритмаларни ҳосил қилишга қодир бўлган кислота, қайноқ аралашма, токсик ва газсимон моддаларни, хусусан, эритувчилар (бензин,

диэтилли эфир, дихлорметан, бензол ва бошқалар) бўёқлар, шунингдек, таркибида радиоактив моддалар бўлган оқова сувларнинг ташланиши тақиқланади.

24. Таркибида радиоактив моддалар бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш учун маҳсус канализация тизими мавжуд бўлмаганда, улар шаҳар ёки бошқа аҳоли пунктининг коммунал канализация тизимига радиоактив моддалар ва ионлаштирувчи нурланишнинг бошқа манбалари билан ишлашнинг радиоактив хавфсизлик нормалари ва санитария қоидаларига мувофиқ қабул қилинади.

25. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тизимларида ўзаро таъсири эмульсиялар, заҳарли ёки портлаш хавфи бўлган газлар, шунингдек, катта миқдордаги эримайдиган моддаларни (мисол учун, таркибида кальций ёки магний тузлари ва ишқорли эритмалар; сода ва нордон сув; натрий сульфиди ва таркибида ишқор, хлор ва феноллар ҳаддан ташқари кўп бўлган ишлаб чиқариш оқова сувлари) ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларининг кўшилишига йўл кўйилмайди.

#### **4-§. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларини муҳофаза қилишни таъминловчи экологик хавфсизлик талаблари**

26. Хўжалик ва бошқа фаолият обьектларини лойиҳалаштириш, куриш ва улардан фойдаланишда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларини, шунингдек, уларнинг яшаш ва ўсиш жойларини сақлаб қолиш мақсадларида:

ўсимликларни ёқиши, ёввойи ҳайвонлар учун хавфли бўлган материаллар, хомашё, кимёвий моддалар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, минерал ўғитлар ва бошқа препаратларни сақлаш ҳамда қўллаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш талабларини хисобга олмаган ҳолда, майший ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилиш, ташиш ва кўмиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ер участкалари ва сувли акваториясида уларнинг мақсадли вазифаларига зид бўлган ҳар қандай фаолият;

ҳайвонларнинг оммавий кўчиш (миграция) йўлларида маҳсус ўтиш жойлари бўлмаган тўсик ва иншоотлар ўрнатиш;

транспорт магистрал йўллар қурилишида ҳайвонларнинг оммавий кўчиш (миграция) йўлларида маҳсус ўтиш жойлари ташкил этмаслик;

хўжалик ва бошқа фаолият объектларини қуришда сўқмоқлар, ҳайвонларнинг кўпайиш даврида дараҳт-бута ўсимликларини тозалаш;

сув ва сув бўйида яшайдиган ҳайвон ва қушларнинг кўпайиш, қишлиш, ва оммавий тўпланиш жойларида ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган чекланган концентрацияларидан ортиқча бўлган оқова сув ва чиқиндиларни ташлаш;

атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги маҳсус ваколатли органнинг рухсатномасиз ҳайвон турларини табиатдан овлаш (тутиш) ва ўсимлик турларини йиғишиш (тўплаш);

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини овлаш/йиғишиш, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларда овлаш/йиғишиш бундан мустасно;

ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириш, иқлимга мослаштириш ва чатиштириш тақиқланади.

27. Хўжалик ва бошқа фаолият объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда ҳайвонот дунёсини муҳофaza қилиш чоралари кўрилиши шарт. Жумладан, ҳайвонларнинг оммавий кўчиш йўллари, кўпайиш ва туллаш жараёнлари, ёш ҳайвонларни боқиши, балиқларнинг увидириқ сочиши, ёш балиқларни боқиши, ўстириш ва саклаш даврларида хўжалик фаолияти чекланиши лозим.

28. Хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар ҳайвонот дунёси объектларининг ишлаб чиқариш майдонларидаги хавфли модда ва хомашёлар таъсиридан нобуд бўлишининг олдини олиш учун:

материаллар, хомашё ва чиқиндиларни атрофи тўсиқ билан ўралган, майдонлари бетонланган ва марзаланган ёпиқ канализация тизими мавжуд бўлган жойларда саклаши;

хўжалик ва ишлаб чиқариш оқова сувларини ишлаб чиқариш майдончасининг ўзида ишлов бериш ёки кейинчалик утилизация қилиш учун маҳсус полигонларга ташиш учун идишларга жойлаштириш;

идиш ва резервуарларни уларга ҳайвонлар тушиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳимоя тизими билан жиҳозлаши лозим.

29. Транспорт магистралларидан фойдаланувчи транспорт воситалари эгалари ва ташкилотлар ҳайвонот дунёси объектларига зарар етказилишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбурдир. Транспорт магистралларида маҳсус огоҳлантирувчи белгилар ёки транспорт ҳаракати тезлигини чекловчи белгилар ўрнатилиши лозим.

30. Транспорт магистраллари кичик дарё ва сойлар (ер усти сув ҳавзалари) билан кесишганда, балиқ ва ер устида яшайдиган ҳайвонларнинг эркин кўчиб юриши таъминланиши лозим.

31. Электр узатиш линиялари электромагнит майдонининг таъсиридан ҳайвонот дунёси объектлари ўлишининг олдини олиш учун ушбу линиялар бўйлаб санитария-ҳимоя полосалари белгиланади.

32. Электр узатиш линияларидаги трансформатор подстанциялари, уларнинг тармоқлари ва ишлайдиган механизмлари ҳайвонларнинг подстанция ҳудудига киришини ва уларни ушбу тармоқ ва механизмларга тушиб қолишининг олдини оловчи қурилмалар (тўсиқлар, ўраб турувчи қоплама ва бошқалар) билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Қушлар оммавий кўчиш жойларида уларнинг алоқа линиялари билан тўқнашуви туфайли ўлишининг олдини олиш учун ҳаводаги алоқа сим тизимини ер ости қабел ёки радиорелей билан алмаштириш тавсия этилади.

33. Сув ҳавзалари ва очиқ сув оқимларидан сув олишда сув ва сув бўйида яшайдиган ҳайвонларнинг нобуд бўлишининг олдини оловчи чоратадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Шунингдек, ҳайвонларни овлаш мақсадида атайлаб сув оқимларини тўсиб қўймаслик керак.

34. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, шу жумладан йўқ бўлиб кетиш ҳавфи остидаги ёввойи флора ва фаунанинг турлари билан халқаро савдо қилиш (CITES) белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа организмлар турлари яшаш жойлари сақлаб қолиниши лозим.

36. Табиатдан фойдаланувчилар ҳайвонот дунёси объектларининг овланадиган турларини овлаш ва доривор ўсимликларни йифишида фойдаланишга рухсат этилган қурол ва усулларини қўллаш ва муддатларига риоя этишлари шарт.

37. Табиатдан фойдаланувчилар ҳайвонот дунёси объектларини овлаш ва тутқунликда сақлаш шартлари ва қоидаларига риоя қилишлари лозим.

38. Ўрмондан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда табиатдан фойдаланувчиларга:

тупроқлар эрозиясининг ривожланишига ҳамда ўрмонлар ҳолатига ва уларнинг қайта тикланиши, шунингдек, сув ва бошқа табиий

объектларнинг ҳолатига нормадан ортиқ бошқа салбий таъсирларга олиб келадиган усуллар билан ишларни амалга ошириш;

ўрмонларнинг ҳимоя хусусиятлари, ёнғинга қарши, экологик ва санитар ҳолати, шунингдек, уларни қайта тиклаш шароитлари ёмонлашувига сабаб бўладиган ишларни амалга ошириш;

экотизимлар ва ўрмонларни қайта тиклаш ҳолатига заарли таъсирнинг олдини олиш қурилмалари билан таъминланмаган янги ва реконструкция қилинган объектларни ишга тушириш;

ёғочни йўқотиш, ишга яроқли ёғоч-тахтани ўтинга чиқариш ва ундан мақсадсиз фойдаланиш;

бино, иншоот ва коммуникацияларни қуришда ишлаб чиқариш-техник зарурат талаб этмаса, дараҳт ва буталарни кесиш;

миллий табиат боғлари, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари ўрмонларида, илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар, ўрмон парклар, шаҳар ўрмонлари, яшил худудларнинг ўрмонзор парклари қисмларида, аҳоли пунктлари ва саноат марказлари атрофларида, давлат ўрмон полосаларида, эрозияга қарши ўрмонларда, дарё, кўл ва бошқа сув объектларининг қирғоқ бўйларидаги ўрмонларнинг ман этилган полосаларида иккиламчи аҳамиятга эга бўлган ўрмон материалларини тайёрлаш, мол боқиши, ёғоч бўлмайдиган ўрмон маҳсулотларини саноат усулида тайёрлаш;

тайёрлаш ва олиб чиқиши муддатлари тугагандан сўнг кесиш жойларида чала кесилган ва тайёрланган ёғочлар қолдиқларини қолдириш тақиқланади.

Ўрмон қонунчилик хужжатлари бузилган ҳолларда, шунингдек, ўрмонлар ва бошқа табиий объектларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш мақсадларида қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ўрмондан фойдаланиш хуқуқи чекланиши, вақтинча тўхтатилиши ёки тақиқланиши мумкин.

### 39. Ўрмондан доимий фойдаланувчилар:

ўрмонлар, муҳофазаси, ҳимояси, улардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг қайта тикланишини таъминлаш;

ўрмонларнинг давлат ҳисобини юритиш;

ишларни ўрмонлар ҳолати ва уларни қайта тиклаш ҳолатига, тупроқлар, ҳайвонот дунёси, шунингдек, сув ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайдиган усуллар билан амалга ошириш;

Ўрмондан фойдаланганлик учун тўловни ўз вақтида белгиланган тартибда амалга ошириш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлашга;

ўрмондан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳақ-хукуқларини бузмасликка мажбурдир.

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятларни ҳам олишлари мумкин.

Ўрмондан вақтинча фойдаланувчилар:

ўзларига берилган яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмон ерларидан оқилона фойдаланиш;

ишларни ўрмонларнинг ҳолати ва кўпайишига, тупроқ, ёввойи табиатнинг ҳолатига, шунингдек сув ва бошқа табиий обьектларга салбий таъсир кўрсатмайдиган усулларда амалга ошириш;

ишларни ўрмонлар ҳолати ва уларни қайта тиклаш ҳолатига, тупроқлар, ҳайвонот дунёси, шунингдек, сув ва бошқа табиий обьектларнинг ҳолатига салбий таъсирига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга ошириш;

ўрмондан фойдаланганлик учун тўловни ўз вақтида белгиланган тартибда амалга оширишга;

ўрмондан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳақ-хукуқларини бузмасликка мажбурдир.

Ўрмондан вақтинча фойдаланувчилар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукуқларга эга бўлиши ва бошқа мажбуриятларни ҳам олишлари мумкин.

## **5-§. Ер ресурслари муҳофазасини таъминловчи экологик хавфсизлик талаблари**

40. Тупроқ қопламининг бузилиши билан боғлиқ ишлар амалга оширилаётганда кейинчалик ерни биологик рекультивациялаш ёки унумдорлиги паст ерларда фойдаланиш учун тупроқнинг унумдор қатлами олиниши, сақланиши лозим.

41. Вақтинча кириш йўллари қурилиши маҳаллий табиий шароитлар хисобга олинган ҳолда, мавжуд йўл тармоғидан имкон қадар фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

42. Транспорт ва махсус техника, ўсимлик ва тупроқ қоплами бузилишини келтириб чиқармайдиган хавфсиз ҳаракатни таъминлайдиган, фақат махсус қурилган йўллардан ҳаракатланади.

43. Ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият амалга оширилганда, табиатдан фойдаланувчиларга:

аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини чанг, заарли газлар, бадбўй анқийдиган моддалар билан ифлослантирувчи манба ҳисобланган жинслар уюмлари ва чиқинди сақлагичларни жойлаштириш;

ер ости бойликларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш;

ер усти ва ер ости бойликлари яхлитлигини бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олингунга қадар бажариш;

давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олингунга қадар ер юзаси ва унинг қаъри бутунлигини бузиш билан боғлиқ ишларни бажариш;

фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда ўзбошимчалик билан қурилишлар қилиш ҳамда ушбу ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;

агар ер ости бойликларининг ҳолати одамлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирса, улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

тоғ-кон ажратмасидан ташқарида фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдали қазилма конларини қазиш ва ер қаъридан фойдаланиш;

алоҳида илмий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб геологик очиқ тоғ жинслари, минералогик ҳосилалар, паленонтология объектлари ва бошқа ер қаъри участкаларининг яхлитлигини бузадиган ҳар қайдай фаолият;

ер қаъри белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинмаган ҳолда, уни геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини амалга ошириш ман этилади.

Ер қаърининг алоҳида участкаларидан фойдаланиш аҳоли пунктлари, шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар, саноат, транспорт, алоқа объектлари, ер ости сувларини олиш жойлари ва уларнинг муҳофаза зоналари, шунингдек, бошқа муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг белгиланган чегараларида чекланиши ёки тақиқланиши мумкин.

44. Ер қаъри ва фойдали қазилмалардан:

ер ости бойликлари ва фойдали қазилмаларни ва тегишли табиий ресурсларни қазиб олишда улардан комплекс ва тежамкорлик билан

фойдаланишни, шунингдек, атроф-мухит ва ер қаъри ифлосланишининг олди олинишини таъминлаш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида бузилган ерларни рекультивация қилиш;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан фақат табиий янгиланиш чегарасидагина фойдаланиш;

ер қаъри ва кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш борасида белгиланган қоидаларга риоя қилиш;

фойдали қазилма конларини ўзлаштириш лойиҳаларига, шунингдек, минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини куриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш лойиҳаларига давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжудлиги;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқини берадиган рухсатноманинг ёки ер қаъри участкаларининг фойдаланишга берилиши кўзда тутилган маҳсулот тақсимоти хақидаги келишувнинг мавжудлиги;

атроф-мухитга минимал таъсирни таъминлайдиган фойдали қазилмалар юзини очишда ҳамда сифимли жинслар уюмлари, фойдали қазилмаларни қайта ишлашдан қоладиган чиқиндилар тўпланадиган жойлар, конлардан чиқсан яроқсиз жинслар уюмларини жойлаштириш шарти билан фойдаланишга йўл қўйилади.

#### 45. Ер қаъридан фойдаланувчилар:

ер қаъридан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

ишларни ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ амалга ошириш;

ер қаърини тўлиқ геологик ўрганиш, ундан оқилона, комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилиш;

конларнинг бой участкаларини танлаб қазилишига, минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда нормадан ортиқ ўқотишлирга йўл қўймаслик;

фойдали қазилмалар захираларининг ҳолати ва ҳаракатини, уларнинг ўқотилиши ва нобудгарчилиги ҳисобга олиниши, шунингдек, ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини, қайта тасдиқланиши ва ҳисобдан чиқарилиши;

бир вақтнинг ўзида қазиб олинадиган, аммо вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмаларни сақлаш ва ҳисобга олиш;

сув олиш жойлари участкаларida ва уларга туташ ҳудудлардаги ер ости сувларининг режими бўйича кузатувлар амалга оширилиши;

ер ости сувлари муҳофазасини назорат қилувчи органларни ер ости сувлари ҳолатининг ўзгариши тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш;

ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг хавфсиз амалга оширилиши, аварияларни бартараф этиш режаларининг ишлаб чиқилиши;

атроф табиий муҳитни, бино ва иншоотларни ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг заарли таъсиридан муҳофаза қилиш;

ер қаъридан фойдаланиш жараёнида геологик, маркшайдерлик ва бошқа ҳужжат юритилиши ва унинг сақланиши;

ер ости бойликлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, фойдали қазилмалар захираларининг ҳолати ва ҳаракати, уларнинг таркибидаги компонентлар тўғрисидаги маълумотларнинг Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Давлат геология жамғармасига тақдим этилиши;

ер қаъридан фойдаланишда бузилган ер участкаларининг кейинчалик улардан фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши;

ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар ўз вақтида тўланишини таъминлашга мажбурдир.

## **6-§. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик хавфсизлик талаблари**

46. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилиш мақсадида:

ушбу ва бошқа техник регламентлар билан белгиланган талабларга мувофиқ чиқиндиларни заарсизлантириш ва хавфсиз жойлаштирилишнинг техник воситалари билан жиҳозланмаган хўжалик ва бошқа фаолият объектларини ишга тушириш;

атроф-муҳит учун хавфлилик тоифаси белгиланмаган чиқиндиларни ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси худудига чиқиндиларни, шу жумладан четдан радиоактив чиқиндиларнинг ҳар қандай турларини олиб кириш;

“Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб ташлаш устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель конвенциясига (1989 йил 22 март, Базель) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши тақиқланган хавфли чиқиндиларни олиб кириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган чиқиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ёки тақорий фойдаланиш жараёнларининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси бўйича давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган чиқиндиларни мустақил равишда тўлиқ утилизация қилиш, қайта ишлаш ёки улардан тақорий фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, уларни утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи юридик шахсларга топшириш (бериш) ёки реализация қилиш юзасидан тузилган шартномаларсиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

чиқиндиларни экологик сертификатсиз олди-сотди, экспорт-импорт қилиш ҳамда ташиш;

Ўзбекистон Республикасида утилизация қилиш учун тегишли технологиялар мавжуд бўлган чиқиндиларни кўмиб ташлаш;

чиқиндиларни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва моддий маданий мерос объектлари жойлашган ерларда, аҳолининг ҳаёти ва соғлигига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарап етказиш хавфиюзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда саклаш ва зарарсизлантириш;

атроф-муҳитда қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни рухсатсиз жойлаштириш;

саноат ва майший чиқиндиларни маҳсус техник мосламаларсиз зарарсизлантириш;

кўмилган чиқиндиларни ўзбошимчалик билан чиқариб олиш;

майший чиқиндиларни (хужжатда назарда тутилмаган) ташиш учун мўлжалланмаган транспорт воситаларида, шунингдек, майший чиқиндиларни ташиш билан боғлиқ бўлмаган шахслар қузатувида ташиш, йирик габаритли майший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндилари, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришда ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари ва бошқалар) бундан мустасно.

47. Ер қаърида чиқиндиларни фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш

талабларига риоя этган ҳолда, фақат махсус тадқиқотлар натижаларига кўра айрим ҳоллардагина кўмиб ташлашга рухсат этилади.

48. Чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни полигонларда кўмиб ташлаш ва сақлаш давлат экологик экспертизасининг ижобий хуносаси бўлган тақдирда амалга оширилади.

49. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш обьектларининг Давлат кадастри ягона тизимиға киритилишини мажбурий тартибда таъминлайди.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади.

50. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳосил бўладиган чиқиндилар паспортланиши лозим.

Чиқинди паспорти чиқиндининг ҳар бир тури учун юридик шахслар томонидан тузилади. Ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ тарзда чиқиндининг ўзига хос хусусиятлари ўзгарган ҳолларда, чиқинди паспортига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилади.

Чиқиндиларни паспортлаш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

51. Чиқиндиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишига аҳолининг ҳаёти ва соғлиги ҳамда атроф табиий муҳит хавфсизлигини таъминлаш шарти билан уларни фақат қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқишни тартибга солиш қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

52. Хавфли чиқиндилар уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган экологик сертификати ҳамда рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда, махсус жиҳозланган транспорт воситаларида ташилади.

53. Олди-сотди, экспорт-импорт операцияси обьекти бўлган чиқиндилар, шунингдек, ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга мувофиқлик бўйича

экологик сертификатлашдан ўтказилиши керак ва унинг натижаларига кўра чиқиндиларнинг мулкдорларига экологик сертификат берилади.

Чиқиндиларни экологик сертификатлаш тартиби қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

54. Хўжалик ва бошқа фаолият объектларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш, консервациялаш ва тутатишда қонунчилик хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ чиқиндиларни сақлаш учун жиҳозланган майдончалар назарда тутилиши лозим.

55. Хавфли чиқиндилар уларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш, кўмиш ва/ёки йўқ қилиш жойларига:

хавфли чиқиндилар паспорти мавжуд бўлганда;

махсус жиҳозланган ва маҳсус белгилар билан таъминланган транспорт воситалари мавжуд бўлганда;

хавфли чиқиндиларни ташиш ва топшириш учун ташиладиган хавфли чиқиндилар миқдори, ташиш мақсадлари ва манзили қўрсатилган хужжатлар мавжуд бўлганда ташилади.

56. Хавфли чиқиндилар ушбу Техник регламент талаблари ҳисобга олинган ҳолда, технологик жараёнлар ёрдамида заарсизлантирилади.

57. Чиқиндиларни жойлаштириш объектларида чиқиндиларни сақлашда (кўмишда) кейинчалик ишлов бериш, юклаш, ташиш, тушириш, утилизация қилиш ва йўқ қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида уларнинг алоҳида сақлаш талаблари таъминланиши лозим.

58. Юридик шахслар:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга риоя этиши;

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда чиқиндиларнинг ҳисобини юритиши, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши;

чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳит учун хавфлийк даражасини белгиланган тартибда аниқлаши;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва уларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши;

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига, йўлларнинг четига, қатнов қисмига қурилиш ва майший чиқиндилар ташланиши ҳамда тўпланишининг олдини олиши;

чиқиндилар тўпланишини таъминлаши, ўзига тегишли бўлган биноларга яқин ёки туташ худудларда қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун контейнерлар (қутилар) ўрнатиши;

ресурс қимматига эга ва утилизация қилиниши лозим бўлган чиқиндиларнинг тегишли даражада сақланишини таъминлаши ҳамда уларнинг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймаслиги;

ўзининг мулки бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилинишига доир технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриши;

чиқиндиларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслиги, ишлаб чиқариш технологиясида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

чиқиндиларнинг белгиланмаган жойларда ёки обьектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва заарсизлантирилишига, шунингдек, бундай жойларга ёки обьектларга жойлаштирилиши ҳамда ташланишига йўл қўймаслиги;

чиқиндиларни маҳсус техник мосламаларни қўлламаган ҳолда ёкиб юбормаслиги;

санитар тозалаш инфратузилмаси обьектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузмаслиги;

чиқиндилар жойлаштирилган ўз обьектларининг санитария ва экологик ҳолатини назорат қилиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш вақтида ҳолати бузилган ер участкаларида рекультивация ишларини ўтказиши;

чиқиндиларни мумкин қадар кўпроқ утилизация қилиш, уларни чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш чоратадбирлари комплексини амалга ошириши, шунингдек, утилизация қилинмайдиган чиқиндилар экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда заарсизлантирилишини таъминлаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органларига рухсат олинмаган тарзда атроф-муҳитга чиқиндилар чиқарилганлиги ҳолатлари тўғрисида ва кўрилган чоралар ҳақида белгиланган тартибда ахборот тақдим этиши;

чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган тартибда компенсация тўловлари тўлаши;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-мухитга, юридик шахсларга етказилган заарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Юридик шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

59. Чиқиндиларни маълум бир вақт давомида назоратда сақлаш мақсадида, бинолар, иншоотлар ёки ҳудуддан ажратилган рухсат этилган участкага (чиқиндиларни жойлаштириш обектларида) жойлаштирилади, бу чиқиндилар партиясига тегишли ҳужжатларда акс эттирилади.

#### **4-боб. Маҳсулотлар ва чиқиндиларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш жараёнларининг экологик хавфсизлик талаблариiga мувофиқлигини баҳолаш**

60. Маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, ва утилизация қилиш жараёнларининг экологик хавфсизлик талаблариiga мувофиқлигини баҳолаш ушбу Техник регламентнинг тартибга солинадиган обьектларининг экологик хавфсизлик талаблариiga мувофиқлигини аниқлаш учун белгиланади.

61. Ушбу Техник регламентни қўллаш учун маҳсулотлар, хизматлар, маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш жараёнларининг қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблариiga риоя этиш даражасини аниқлаш қўйидаги шаклларига йўл қўйилади:

- давлат экологик экспертизаси;
- экологик аудит;
- экологик сертификатлаштириш (технологик жараёнлар, экологик хавфли маҳсулот ва чиқиндилар учун).

Экологик хавфсизлик талаблари бузилиши натижасида аҳолидан асосли мурожаатлар бўлган тақдирда, Техник регламент талаблариiga риоя этилиши юзасидан жамоат экологик экспертизаси ўтказилиши мумкин.

62. Ушбу Техник регламентнинг тартибга солинадиган обьектларининг мувофиқлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатларига мувофиқ баҳоланади.

63. Техник регламент талаблариiga риоя этилиши бўйича давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Экология атроф муҳитни муҳофаза

қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, шунингдек, бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

## **5-боб. Якунловчи қоидалар**

64. Ушбу Техник регламент кучга кирган пайтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш технологик жараёнларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланадиган талаблар Техник регламентга мувофиқлаштирилгунинг қадар Техник регламентга зид бўлмаган ҳолда қўлланилади.

65. Ушбу Техник регламент кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар, илмий ва таълим муассасалари билан биргаликда иқтисодиётнинг турли соҳалари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши мавжуд технологияларнинг янгиланадиган реестри (маълумотномасини) ишлаб чиқилиши ва юритилишини ташкил қиласди.

Реестрдаги маълумотлар манфаатдор томонларнинг қўриб чиқиши учун очик бўлади.

66. Иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун энг яхши мавжуд технологиялар реестрини (маълумотномасини) яратишида бундай технологиялардан фойдаланиш бўйича хорижий тажриба, конунчиликда белгиланган тартибда хўжалик юритувчи ва бошқа субъектлар материалларидан фойдаланиш мумкин.